Йигириш корхоналарида техник назоратни техник назорат бўлими ишлаб чиқариш лабораторияси билан биргаликда амалга оширади. Бу бўлимлар маҳсулот сифатини текшириш билан бирга, технологик жараённи тўғри амалга ошаётганлигини ҳам назорат қилиб боради. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида лаборатория ва техникавий назорат бўлимлари доимий ва даврий текширишларни ўтказишади. Хом ашё, йигирилган ип ва четга сотиладиган чиқиндилар сифати доимий текширишлар орқали назорат қилиб борилади. Ишлаб чиқарилаётган хомаки маҳсулотлар сифати, технологик карталарда кўрсатилган машиналардан фойдаланиш шартларининг бажарилиши ва уларни ишлатиш қоидаларни бажарилиши даврий текширишлар орқали назорат қилиб борилади.

Бу текширишлар амалдаги йўриқномалар, услублар ва тасдиқланган меърий хужжатлар бўйича амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш лабораторияси

Ишлаб чиқариш лабораторияси қуйидаги ишларни амалга оширади:

1. Йигириш режасини ҳар бир ўтимида технологик жараёнларнинг тўғри бажарилаётганини, ишлаб чиқарилаётган хомаки маҳсулотлар ва ип сифат кўрсаткичларининг меъёр талабларига мувофиқлигини текшириш;
2. Тасдиқланган режа асосида ускуналар ҳолатини ва технологик жараёнлар кўрсаткичларини текшириш;
3. Паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишининг сабабларини аниқлайди ва уни бартараф этишда иштирок этади;
4. Технологик жараёнларни такомиллаштириш бўйича тажриба ва текширувлар ўтказиш, маҳсулот ассортименти ва хом ашё турини янгилаш тадбирларини тузади ва уни амалга оширишда иштирок этади;
5. Инженер техник ходимлари билан биргаликда янги технология ва машиналарни ўзлаштириш ишларида иштирок этади;
6. Бош мухандис топшириғи асосида цех бошлиқлари билан биргаликда янги меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳасини яратади ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ишларида иштирок этади.

Лаборатория ходимлари ҳар бир текширувни маълум цех бошлиғи ва ишлаб чиқариш раҳбарининг журналларига қайд қилади. Улар ўз навбатида текшириш натижалари бўйича керакли чора-тадбирларни амалга оширади.

Лаборатория хоналаридаги ҳаво ҳарорати 20 ± 30 С ва намлик 60 ± 5 % бўлиши талаб этилади.

Лаборатория жиҳозларининг қисқача тавсифи

12-жадвал

т/р	Номи ва русуми	Бажарадиган иши
1	Психрометр	Хоналардаги нисбий намликни аниқлайди
2	Турли моделдаги электрон тарозилар	Тола, хомаки маҳсулотлар ва ип намуналарининг массаларини ўлчайди.
3	Электрон тарози СК-60Х	Ипларнинг чизиқий зичлигини аниқлашда намуна массаларини ўлчайди.
4	Тола кўрсаткичларини аниқлаш тизими Устер HVI-1000	Пахта толаси кўрсаткичларини автоматик ҳолатда тезкор усулда аниқлаб, маълумотларни сақлаб қолади.
5	Хомаки маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш тизими Устер Афис РПО-2	Хомаки маҳсулотларнинг непис, узунлик ва ифлослик каби сифат кўрсаткичларини аниқлайди

6	Калава ўраш чархи ХМ-3	Чизиқий зичликни аниқлаш учун маълум узунликдаги иплардан калавалар тайёрлайди.
7	Бурам ўлчагич. ТW-3	Йиғирилган иплардаги бурамлар сони ва бурам йўналишини аниқлайди
8	Намликни аниқловчи ж ихоз. ФД-600	Иплардаги кондицион намликнинг миқдорини инфрақизил нурлар ёрдамида қуришиб ўлчайди.
9	Динамометр Статимат-С	Йиғирилган ипларнинг узилиш кучи ва чўзилишини аниқлайди
10	Ип мустаҳкамлигини аниқлаш тизими Устер Тенсорapid 4	Якка ва пишитилган ипларнинг узилиш даги мустаҳкамлигини электрон усулда аниқлайди
11	Ип сифат кўрсаткич ларини аниқлаш тизими Устер тестер 5-С800	Йиғирилган ипларнинг чизиқий зичлиги ва массаси ўзгаришларини аниқлайди, нотекислик диаграммаларини ҳосил қилади
12	Устер Звейгле Ярн Инспестион Виндер Ипнинг непс кўрсаткичларини аниқлаш қурилмаси	Турли чизиқий зичликдаги ва узунликдаги ипларнинг непс кўрсаткичларини аниқлайди.

Сараланма бўлими майдонини ҳисоблаш

Сараланма бўлимида бир суткага етадиган пахта тойлари типлари, селекция навлари бўйича алоҳида сақланади, бу эса корхонани узлуксиз ишлашини таъминлаш ва пахта намлигини бир меъёрга ушлаб туришга хизмат қилади.

1. Бир суткада керак бўлган пахта миқдори: $Q = CB_{cap} \cdot 13,62 = 900 \cdot 13,62 = 12258$

CB - саралаш бўлимининг соатбай вазифаси, кг/соат $13,62$ – бир кунлик иш соати

2. Бир йилда керак бўладиган пахта миқдори: $Q_{йил} = \frac{Q \cdot 4128}{13.62} = 3715200_{кг}$ 4128 –

бир йиллик иш соатлари

3. Бир той пахта эгаллайдиган майдон: $C = 0.97 \cdot 0.735 = 0.712$

4. Бир суткада керак бўлган тойлар сони:

$$И = \frac{Q}{200} = \frac{12258}{200} = 61,28 \approx 62 \quad 200\text{-- битта той пахта оғирлиги}$$

5. Ҳамма тойлар эгаллайдиган майдон: $35,6 м^2$

6. Бир суткада ишлатиладиган пахта учун керак бўлган майдон(сараланма бўлими): $71,2 м^2$

Чиқиндилар бўлими майдонини ҳисоблаш ва ускуналарни қабул қилиш

Лойиҳаланаётган корхоналарда чиқиндилар бўлимининг ишига каттааҳамият берилади. Йиғириш корхоналарида ишлатилаётган хом-ашё ва маҳсулот ассортиментига кўра 10-30 % ҳар хил турдаги толали чиқиндилар ажратиб олинади.

Толали чиқиндиларни марказлашган ҳолда йиғиш, чангсизлантириш ва кадоқлаш вазифаси чиқиндилар бўлимида амалга оширилади. Толали чиқиндилар корхонада қайта ишлатилиши ёки бошқа корхонага сотилиши мумкин.

Юқоридаги вазифаларни бажариш учун ТФС-4 филтри, ФСК-3 компактори ва циклонлардан ташкил топган чиқиндиларни йиғиш ва чангсизлантириш тизими, ҳамда гидравлик пресс қабул қилинади.

Чиқиндилар бўлимининг майдонини ҳисоблаймиз.

$$F = K \left(200 + \frac{n}{250} \right)$$

Бу ерда, n – умумий камералар ёки урчуқлар сони, K – ипнинг чизиқий зичлигига қараб танланади. $K=1,2-1,8$; йўғон иплар учун $K=1,8$; ингичка иплар учун $K=1,2$; ўртача йўғонликдаги иплар учун $K=1,4$

$$F = K \left(200 + \frac{n}{250} \right) = 1,4 \cdot \left(200 + \frac{24000}{250} \right) = 414 \text{ м}^2$$

ТФС-4 филтри

Титиш-тозалаш агрегати ва тараш машиналаридан ажратиб олинган чиқинди ва чангли ҳавони тозалайди.

Техник тавсифи

Ишлатиладиган тола узунлиги	10-80 мм
Дастлабки тозалаш дискининг айланишлар сони	5,08-6,1 мин-1
Асосий тозалашдаги босим	1000 Ра
Қўшимча тозалашдаги босим	500 Ра
Шовқин даражаси	70 дБ
Номинал қуввати	0,3 кВт
Ўлчамлари:	

Узунлиги	7000 мм
Эни	5000 мм.

ФСК-3 компактори

ФСК-3 компактори филтр ёки бевосита технологик машиналардан ажратилаётган толали чиқиндиларни чангсизлаштириш ва зичлаб қадоқлаш вазифасини бажаради. Йигириш корхоналарини қуватидан келиб чиқиб алоҳида турдаги чиқиндилар ёки барча чиқиндилар учун қўланилиши мумкин

Техник тавсифи

Унумдорлиги	100000 м ³ /соат
Ишчи валнинг айланишлар сони	1400-1680 мин-1
Сарфланадиган электр энергия	0.55 кВт
Ўлчамлари:	
Узунлиги	2500 мм
баландлиги	2285 мм
эни	2000 мм

Циклонли сепаратор

Филтрловчи матонинг ички сиртидан ажратиб олинган майда тола элементлари ва чанг зарраларини марказдан қочма куч таъсирида ажратиб тозалайди.

Техник тавсифи

Унумдорлиги	200 кг/соат
Тозаланадиган чангли ҳаво	300-5000 м ³ /соат
Ўлчамлари:	
баландлиги	1965 мм
эни	800 мм

Чимдиб титувчи машина СЦ850

Турли чизиқий зичликдаги пилик узукларини қайта ишлаб толага айлантириш вазифасини бажаради.

Техник тавсифи

Унумдорлиги	80-100 кг/соат
Игнаги барабаннинг айланишлар сони	1058 мин-1
Сарфланадиган электр энергия(1 та секция учун)	6,5 кВт

Ўлчамлари:

узунлиги

1225 мм

эни

2875 мм

А5/1 гидравлик пресси

Йигириш корхоналари чиқиндилар бўлимида қайта ишланган толали чиқиндиларни ишлатиш учун қулай шаклга келтириб пресслайди.

Техник тавсифи

Унумдорлиги

90-100 кг/соат

Тойнинг ўлчами

1050x650x880 мм

Тойнинг массаси

150 кг

Ўлчамлари:

Узунлиги

1900 мм

эни

2600 мм

Пресслар сонини ҳисоблаш

$$M = \frac{Q}{A_{\text{хис}} \cdot 7}$$

Q – толали чиқиндилар миқдори, кг

Aхис – пресснинг ҳисобий унумдорлиги; Aхис = 420 кг/соат

7 – бир сменадаги иш вақти, соат

$$Q = \frac{C_{\text{в.тит}} \cdot Y \cdot T}{100}$$

Y – чиқиндиларнинг умумий миқдори, % (чиқиндилар жадвалидан)

T – бир кундаги иш вақти, соат

T = 13,62 соат

$C_{\text{в.тит}}$ – титиш-тозалаш бўлимининг соатбай вазифаси, кг

Толали чиқиндилар миқдорини аниқлаймиз

$$Q_{\text{итл}} = \frac{900 \cdot 12.5 \cdot 13.62}{100} = 1532 \text{ кг}$$

Пресслар сонини ҳисоблаймиз

$$M = \frac{1532}{420 \cdot 7} = 0.51 \approx 1 \text{ Та}$$

Толали маҳсулотларга ишлов берувчи ускуналарнинг технологик тизимлари. Титиш жараёни.

Толали маҳсулотларни титиш

Титиш жараёни

Титиш жараёнининг мақсади, толали маҳсулотни тозалашга ва аралаштиришга тайёрлашдан иборатдир.

Титиш жараёнининг моҳияти эса, тойланган толаларни майда бўлакчаларга ажратиб, уларни ўртача оғирлиги ва зичлигини камайтириш орқали аралаштириш ва нуқсонлардан тозалаш учун қўлай имконият яратишдан иборатдир.

Толали маҳсулотларни титишнинг зарурийлиги

Толали маҳсулотларни титишнинг зарурийлигини қўйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

1. Аралашма компонентлари яхши аралашishi учун керакли шароит титиш натижасида яратилади.

2. Толали маҳсулотни нуқсонлардан тозалаш жараёнини амалга оширишда титиш зарурий шарт бўлиб, маҳсулот кичик бўлакчаларга ажратилиб нуқсон билан толали массани илашиш кучи камаяди ва бунинг натижасида нуқсонлар механик тарзда ажратиб ташланади.

3. Толаларни тўғриланиши ва чигалликларни тарқалишида маҳсулотни кетма-кет титиш катта аҳамиятга эга.

4. Толали маҳсулотни майда бўлакчаларга ажратишда титиш зарур тадбир ҳисобланади.

Титиш усуллари

Толали маҳсулотларни майда бўлакчаларга ажратишда қўйидаги титиш усуллари ишлатилади:


- чимдиб титиш;
- такрорий зарбий кучлар таъсири;
- кучли ҳаво оқими таъсири;
- комбинациялашган воситалар таъсири.

Титиш воситалари

Толали маҳсулотни титиш игна сиртли, пичоқли ва аррали ишчи органларга эга бўлган машиналарда амалга оширилади.

Игна сиртли машиналарда титиш дастлаб қўлда, сўнгра камера ичидаги игнали панжаралар воситасида бажарилади. Автотитгичлар эса тойнинг пастки ёки устки қисмдан қозикли, пичоқли ва аррали дискли ишчи органлар воситасида пахта қатламининг керакли бўлакчасини ажратиб олиш орқали титишни амалга оширади. Пахта толасининг шикастланмаслиги учун ишчи органларнинг шакли, ўлчами ва тезлигини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга.

Титиш органлари



а) пичоқли, б) арра тишли, в) шаклдор тишли дисклар,

г) игнали панжара

Автотитгичлар

Автотитгичларнинг тузилиши ва ишлашида умумийлик мавжуд, «Унифлок», «Блендомат», В12СБ автотитгичлар титиувчи органлари билан, компьютер бошқарув дастурининг параметрлари билан бир-биридан фарк қилади. Улар толаларга ишлов бериш ҳаракати бўйича ҳам фарқланади:

- тўғри чизик бўйича илгариланма - қайтма ҳаракат қилувчи (А-11, В12СБ);
- тўғри ва қия чизик бўйича илгариланма - қайтма ҳаракат қилувчи (БО-А);

- айлана бўйлаб «карусел» тарзида ҳаракат қилувчи (Жингвэй).

Уларни унумдорлиги 600-1200 кг/соатгача, титилган пахта бўлакчасининг ўртача оғирлиги 20-50 мг.

Автотитигичлар минора, той титгич, каретка, пневмосистема, устунлар ва бошқарув қисмларидан ташкил топган. Минорада тойтитигичнинг кўтарилиш, пасайиш, бурилиш, ҳаракат ўзатмаси ва тола сўрувчи-узатувчи потрубкалар жойлашган. Ставкадаги тойлар устида пичоқли барабан илгариланма-қайтма ҳаракатланиб, ҳар сафар ставка четига етгач, белгиланган масофада пасаяди (4-8 мм). Ставкадаги тойлар камида 36 та, кўпи билан 180 тагача бўлиши мумкин, улар ишлатилиб бўлингач, оператор минорани 180⁰ га вертикал ўқ бўйлаб айлантиради ва иккинчи томондаги ставка тойларини титиш бошланади.

Автотитигичларнинг умумий кўриниши.



Камчилиги: устидан титувчи барабанлар пахта бўлакчаларини пастки қисмгача тўла тита олмайди, чунки 10-15 см қалинликдаги той бўлаги сўрувчи ҳаво таъсирида титувчи валикларга ёпишиб титиш жараёни бузилади. Шунинг учун қолган бўлакчалар келаси ставка тойлари устига жойлаштириб титилади

Титувчи ва таминловчи машиналар

Таъминловчи машина компонентлар улушини бир меъёردа таъминланишини назорат қилиш имкониятига эга. Машинанинг технологик параметрлари компьютер дастурлари асосида бошқарилади.


Қўйидаги таъминловчи машиналар мавжуд:

БО-Р - қайтим толалар учун;

ВО-С - кимёвий толалар учун;

ВО-У - универсал таъминлаш учун.

Таъминлагич-аралаштиргич



1-чанг ҳавони сўриш қувири, 2-титувчи барабан, 3-ажратувчи барабан, 4-титилган пахтани кейинги машинага узатиш қувири, 5-игнали панжара, 6-узатувчи транспортер, 7-перфопанжара 8,9-фотоэлемент, 10-таъминловчи транспортер, 11-игнали панжара таглиги.

Асосий титиш игнали ва таъминловчи панжара ўртасида амалга ошади. Таъминлагичлардан ўтказилган пахта бўлакчаларининг ўртача оғирлиги, яъни титиш даражаси $m=0,5\div 1$ граммни, машинанинг унумдорлиги эса $A_n=100\div 120$ кг/соатни ташкил этади.

Унумдорликка ва бўлакчанинг ўртача массасига, камеранинг тўлганлик даражаси, игнали панжара ва текисловчи панжара тезлиги ва улар ўртасидаги разводка таъсир этади. Игнали панжара тезлиги ошиши билан унумдорлик ортади. Разводканинг ортиши билан унумдорлик ортади лекин титилганлик даражаси пасаяди.

Камеранинг пахта билан тўлиши $2/3$ нисбатда бўлиши тавсия этилади.

Титилганлик даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар

Титилганлик даражаси қўйидаги омиллар буйича аниқланади:

- битта пахта бўлакчаси массасининг ўртача миқдори;

- титилган толали маҳсулотнинг зичлиги (титишдан олдин ва титишдан кейин);

Титилганлик даражаси деганда битта пахта бўлакчасига ёки битта толага таъсир этувчи кучни тушиниш мумкин.

Саноатда титраш ва шовқиннинг киши организмига салбий таъсири .

1. Шовқин ва титраш ҳақида умумий маълумотлар.

Шовқин ва титраш қаттиқ, суюқ, газсимон ва бошқа хил жисмларнинг механик тебранишларидир.

Ме ёрдан юқори, узоқ та сир этган шовқин ва титрашлар, кейинчалик организмини зарарлантириб, оғир касбий касалликлар келиб чиқиши сабабчисидир.

Сукунатни бузиб, фойдали товуш эшитишга халақит берадиган товушларга шовқин деб аталади.

Титраш қаттиқ жисмлар, машина ва жиҳозларнинг тебранишидир. Кучли, кескин ва узоқ давом этадиган шовқин ва титрашлар инсоннинг соғлигига салбий таъсир кўрсатиб, натижада инсонни тез чарчатади, иш унумдорлигини пасайтиради, асаб ва юрак тизимини иш фаолиятини бузади.

Инсоннинг эшитиш органи механик тебранишнинг 16 - 20000 Гтс.гача булган тўлқинларини эшитади. 15 Гтс. дан паст частотадаги шовқин инфратовуш, 20000 Гтс. дан юқориси эса ул тратовуш ҳисобланиб, инсон организмига салбий биологик таъсир кўрсатади.

Товуш интенсивлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$J = \frac{P^2}{\rho} \cdot C \quad \text{бу ерда:}$$

J – товуш интенсивлиги, Вт/м²; **P** – товуш босимининг миқдори, Па; **ρ** – муҳит зичлиги кг/м³; **C** – товуш тезлиги, м/с.

Товуш тўлқинларининг 20⁰ С ҳароратли муҳитидаги тарқалиш тезлиги 343 м/с, пўлатда 5000 м/с, бетонда 4000 м/с. га тенг.

Машина ва ускуналарда, коммуникатсия ва қурилмаларда механизмларнинг ҳаракатдаги қисмларининг носозлиги сабабли, суюқлик ва газлар қувурлар орқали бошим остида узатилганда пайдо буладиган қисқа тўлқинли тебранишлар титраш деб аталади.

Титраш қуйидаги кўринишда ифодаланади:

-титраш частота ϕ (Гц); -титраш амплитуда A (мм); -титраш тезлиги V (мм/с); -титраш тезланиши w (мм/с²).

Титраш ускуна, жиҳоз ва коммуникатсияларнинг механик мустаҳкамлигини ва герметиклигини сифатсизланишига олиб келиши ва ҳар хил аварияларнинг сабабчиси дир.

Титраш та Сирида инсон танасидаги а золарнинг функционал ҳолатларини ишдан чиқиши, марказий асаб, юрак ва қон айланиш тизимида ҳамда ҳаракатланиш а золарида салбий ўзгаришлар содир булади. Унинг зарарли та сири чарчаш, бошнинг, панжа ва суяк буғинларининг оғриши, ҳаддан ташқари аСабийлашиш ва ҳаракат фаолиятининг бузилиши билан намоён булади ва айрим ҳолларда тебраниш касаллигининг ривожланишига олиб келади. Унинг оғир шакллари, меҳнат қобилятининг қисман ёки бутунлай йўқолишига олиб келади. Шовқин ва титрашнинг иш жойларида рухсат этилган даражалари санПиН Н0067-96 берилган.

2. Шовқин ва титрашга қарши кураш усуллари.

Шовқин ва титрашга қарши кураш машина, жиҳоз, ускуна ва технологик жараёнларнинг лойиҳалашнинг дастлабки босқичларида бошланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Корхоналарнинг бош режаларини тузиш жараёнида, албатта шовқинга қарши кураш чора – тадбирлар кўриб қўйилиши шартдир.

Бунда асосан, сершовқин тсехларни бар жойга, иложи борча, уларни ишлаб чиқариш ҳудудининг чекка томонларига жойлаштириш, сершовқин тсехларни бошқасидан товуш ўтказмайдиган тўсиқлар билан тўсиш, сершовқин биноларнинг эшик ва деразаларини махсус товуш ўтказмайдиган махсус материаллардан тайёрланган булиши зарур.

Шовқинга қарши кураш чора-тадбирлари уни келтириб чиқарувчи манбанинг ўзидаёқ камайтиришга ҳаракат қилишдан бошланиши керак. Машина, жиҳоз, ускуналарнинг сифатли ўрнатиш, ўз вақтида тамирлаш ва унинг динамик кучларини мувофиқлаштириш, яхши натижа беради.

Бази қурилмалар товуш тўлқинлари қувватини тарқатиб юбориш хусусиятига эга.

Шовқин тўлқинлари ғоваксимон шовқин ютувчи материаллар юзасига тушгач, шовқин қувватини кўпгина қисми тор ғовакдаги ҳавони тебранма ҳаракатга келтириш учун сарфланади. Ғоваклардаги ҳаво қисилиб исийди ва натижада шовқин қуввати иССиқлик қувватига айланиши натижаСида ташқи муҳитга тарқалиб шовқин йўқолади.

Шовқинга қарши курашнинг яна бир усули, технологик жараёнларни тўғри танлаш, машина, жиҳоз, ускуналарнинг ва технологик жараёнларни қўйи кучланишда ишлашини тамирлаш, уларни сифатли йиғиш ҳамда ўз вақтида тамирлаш ишларини бажариш ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Титрашга қарши кураш тадбирлари қуйидагилардан иборат:

Иш жойлари, асбоб – ускуналари ва қурилиш констуктсияларини машина жиҳозлар ҳосил қилган тебраниш та Сиридан Сақланишнинг мукамал усулларида бири титрашни тўсиш усули ҳисобланади.

Бу усулда тебранувчи механизм билан унинг асоси ўртасига эластик мато ўралиб, мато тебранишнинг бир қисмини ютиши ҳисобига асосга ўтиши бирмунча камайган ҳолда, тебраниш миқдори сезиларли сусаяди.

Титраш тўсиқлари ёки амортизаторлар пўлат пружина, резина ва бошқа эластик материаллардан тайёрланади.

Машина, жиҳоз, ускуналарнинг фойдаланиш тартиб-қоидаларига риоя қилмаслик, йўриқномаларни кўпол равишда бузилиши натижасида, шовқинсиз ишловчи ускуналарнинг сершовқин ишлашига олиб келади.

3. Шовқиндан ҳимояланиш усуллари ва воситалари.

Шовқинга қарши кураш ишлаб чиқариш корхоналарининг лойиҳаларини ишлаб чиқиладиганда, ҳамда ишлаб чиқаришнинг тартибот жараёнлари

танланаётган даврдан бошланади. Ушбу тадбирларга қуйидагилар киради: Шовқинни манбаларда камайтириш, шовқин йўлини тўсиқлар ёрдамида пасайтириш. Меҳнат тартиботи жараёнларини ва ускуналарни мукамаллаш-тириш, корхоналарни меморий режалаштириш ҳамда биноларни акустик жиҳозлашлар киради.

Ҳар қандай дастгоҳда буйлама ёки айланма ҳаракат натижасида аэродинамик, механик ва электромагнит шовқинлари мавжуд. Бу хилдаги шовқинларни 5-10 дБл га пасайтириш учун тишлик ўтказгичлардаги оралик, тирқишларни барҳам топиши, имкони борча пластмасса деталларни айниқса ўз вақтида сифатли тамирлаш ҳамда ҳаракатдаги қисмларни мойлаш кифоядир.

Аэродинамик ва электромагнит шовқинларни тўсиш ва ютиш хусусиятига эга булган экран ва махсус қопламалар ишлатилади.

Сершовқин ҳамда зарарли бинолар алоҳида минтақага жойлаштирилган ҳолда лойиҳалаштирилиши ва уларга яқин бинолар ёки корхоналарни санитария ме ёрлари талабига мувофиқ масофага жойлаштирилади.

Ишлаб чиқариш биноларини ва ёрдамчи биноларни ва ёрдамчи биноларни лойиҳаларини тузаётганда кам шовқинли хоналарни иложи борча сершовқин дастгоҳлар ўрнатилган хоналардан узоқроқ жойлаштирилади. Сершовқин биноларда ишлайдиган ишчиларни шовқиндан ҳимоя қилиш учун акустик экранлар ёки товуш ютгич қопқоқлар, масофада туриб бошқариш, бино деворларини ва шифтини товуш ютгич материаллар билан пардозлаш, товушдан ҳимояланган дам олиш хоналарини ташкил қилиш, тебранма ёки айланма ҳаракат қилувчи қисмлари мавжуд дастгоҳларни юмшатгич мосламалари (амортизаторлар) булган – пойдеворларга ўрнатилиши ва бошқалар зарур тадбирлардан ҳисобланади.

Шахсий ҳимоя воситалари қуйидаги хусусиятларга эга булиши шарт:

-шовқинни санитария ме ёри даражаси миқдоригача камайтирилиши керак;

-гаплашганда сўзларнинг моҳиятини пасайтирмаслиги зарур;

-кулоқ супрасига кучли босим бериб оғриқ чиқармаслиги керак;

-хавф-хатардан огоҳлантирувчи товушли даракларни буғмаслиги лозим ва эстетика талабларига жавоб беришлари шарт.

Шовқинни ихоталаш. Шовқинни асосий қисми ҳаво орқали тарқалишини ҳисобга олган ҳолда, унинг йўлига бирор тўсиқ қўйилса, маълум миқдорда босими камаяди.

4. Титрашдан химояланиш усуллари ва воситалари.

Титраш та сиридан химояланиш, лойихалаш босқичларидаёқ бошланиб, барча жиҳозлар, асбоб – ускуналарни паспортларидаги шовқин ва титраш кўрсаткичларига қараб, энг қулайларини танлаб олинади.

Бунда тебранувчан ва шовқинли дастгоҳлар мавжуд булган биноларни, алоҳида ажратиб шамол йўналиши буйлаб ҳудуд чеккасига жойлаштириш мақсадга мувофиқ булади.

Манбалардаги титрашларни зарарли та сирини камайтириш усулларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси манбалардаги титрашни кўзгатувчи кучларни пасайтириш булса, иккинчиси уларнинг пойдевори билан ва бошқа дастгоҳлар ҳамда қурилиш конструксиялари билан боғланган жойларида титрашни пасайтиришдир.

Манбалардаги титрашларни пасайтиришда машина, жиҳоз, аслаҳаларни тўғри ўрнатиш, уларни ўз вақтида сифатли та мирлаш, мойлаб туриш, иш тартибини тўғри ташкиллаштириш ва уларни зўриқтирмасдан ме ёрида ишлашини та минлаш, жиҳозларни масофадан туриб бошқариш ҳамда шахсий муҳофаза қуроллари ва кийимларидан ўринли фойдаланиш кутилган самарага эришиш имкониятини яратади.

Агар манбанинг ўзида тебранишни пасайтириш иложи булмаса, у ҳолда манба асоси билан унинг пойдевори ўртасида титрашни сўндирувчи резина ёки пружина ёки амартизаторлар қўйиб пасайтирилади.

Титрашни пасайтиришда энг самарали усул, тебранувчи жиҳозларни ўта такомиллашган тебранмайдиган ёки кам тебранадиغان дастгоҳлар билан алмаштиришдир.

Масалан, темир бетон ишлаб чиқариш сеҳида бетонни тебраниш йўли билан зичловчи ускунани такомиллаштирилса, я ни унинг корпусини остидаги мустақил тебранувчи бир гуруҳ митти амартизаторлар ўрнатилса, бино полини умумий тебраниш даражасини ва ундан чиқадиган шовқинни ҳам кескин камайтириш имкони туғилади.

Мухандислик тажрибасида кўпинча дастгоҳлардан тарқалаётган титраш та сирини пасайтирувчи тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишга тўғри келади. Бу борада тебранишни пасайтириш учун, тебра-ихота, тебро-сўндиргич ва тебро-қайтаргич воситаларидан самарали фойдаланилади.

а) Тебраихота икки хил, пасив ва фаол кўринишда булади.

б) Тебросўндиргич, тебраниш манбаларидан полга ва у орқали бинонинг бошқа қурилмаларига та сирини олдини олишда, тебро-сўндиргични пойдеворга ўрнатишдир.

в) Теброқайтаргич, буни демфирлаш усули ҳам дейилади ва тўсиқлар устидан резина, пластика ёки мастикаларда ихота қилинади.

4.1 Йигирув цехини ишлаб чиқариш дастури ҳисоби

17-жадвал

№	Машиналар номи	Машиналар сони	1 та машина баҳоси, минг сум	машиналар баҳоси	20м %ин машина баҳосига	Монтаж билан бирга умумий баҳо, минг сумм	харажатлари 20% умумий баҳодан
1	2	3	4	5	6	7	8
1	ТТА (комплекс)	1	155000	155000	31000	186000	37200
2	Тараш машинаси	10	53500	553000	110600	663600	132750
3	Пилталаш «I» утим машинаси	6	61000	366000	73200	439200	87840
4	Пилталаш «II» утим ашинаси	6	61000	366000	73200	439200	87840
5	Пиликлаш	8	76100	608800	121760	730560	146112
6	Йигириш машинаси	30	108700	3261000	652200	3913200	782640
	Жами			5309800	1061960	6371760	1274382

б) ишлаб чиқариш бинолари ва мамурий хоналар баҳоси уни емирилиши ҳисоби (машиналарнинг умумий баҳосидан 2 – 3% қабул қилинади (3% қабул қиламиз)).

1м2 ишлаб чиқариш биноси учун – 210 минг сум

1м2 маъмурий бино учун – 180 минг сумм қабул қилинади

1. $7560 \text{ м}^2 \times 270 = 1587600$ минг сўм

2. $1512 \text{ м}^2 \times 180 = 272160$ минг сўм

Жами: 1859760 минг сўм

$$EX = \frac{\text{жами} \cdot \%}{100} = \frac{1859760 \cdot 3}{100} = 55792.8 \text{ минг сум}$$

в) ташиш воситаларининг емирилиши ҳисоби (3%–6% машиналар емирилиш харажатларига нисбатан қабул қилинади (5% қабул қиламиз)).

$$ТВЕХ = \frac{\sum \text{емирилишиха рахатлари} \cdot \%}{100} = \frac{55792.8 \cdot 5}{100} = 29074.1 \text{ мингсум}$$

ИВ –булим хаммаси = $\sum 1 + \sum 2 + \sum 3 = 581481.6 + 55792.8 + 29074.1 = 666348.5$ минг сумм

В. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

1. Машиналарни жорий таъмирлаш ва уларни саклашга кетган харажатлар (машиналарнинг умумий баҳосига нисбатан 2% миқдорда қабул қилинади).

$$2907408 \cdot 2\% = 58148,1 \text{ минг сумм}$$

2. Машиналарни уртача ва капитал таъмирлашга харажатлар (машиналарнинг умумий баҳосига нисбатан 25% миқдорда қабул қилинади).

$$58148,1 \cdot 25\% = 14537,3 \text{ минг сум.}$$

3. Атроф мухитни муҳофаза қилиш харажатлари (10% жорий тамирлаш харажатларига нисбатан қабул қиламиз).

$$58148,1 \cdot 10\% = 5814,8 \text{ минг сум}$$

4. Техника ва меҳнат хавсизлиги харажатлари (хар бир руйхатдаги ишчига – 6 минг сум)

$$\frac{136 \cdot 6000}{1000} = 816 \text{ мингсум}$$

5. Ишлаб чиқаришдаги янгиликлар, ихтиролар харажатлари (хар бир урчук учун 300 сум, камера учун 500 сум миқдорда қабул қилинади).

$$\frac{21600 \cdot 300}{1890} = 3428.6 \text{ мингсум}$$

В – булим

$$\text{хаммаси} = \sum 1 + \sum 2 + \sum 3 + \sum 4 + \sum 5 = 58148,1 + 14537,3 + 5814,8 + 816 + 3428.6 = 82744.8$$

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига калкуляция хисоби

18-жадвал

№	Харажатлар номи	Жами харажатлар минг сум	кг хом ип таннархи, сум	Харажатлар салмоги
1	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар	14795157.6	6485	78,7
2	Ишчилар меҳнатига туланадиган иш хақи харажатлари	1432037	968	11,7
3	Ягона ижтимоий туловга ажратма	358010	242	2,9
4	Асосий фондлар емирилиши харажатлар	666348.5	483	5,9
5	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатлар	82744.8	62	0,8
6	Харажатлар жами	17334298	8240	100

$$1 \text{ кг хом ип таннархи} = \frac{\text{харажатлархаммаси}}{\text{йилликялпи маҳсулот}} = \frac{17334298}{2359.3} = 7347 \text{ сум}$$

Харажатлар

$$\text{салмоги} = \frac{\text{ишлабчиқаришибиланбоғлиқмоддийхаражатлар}}{\text{харажатлархаммаси}} \cdot 100 = \frac{14795157.6}{17334298} = 85\%$$

Маҳсулотни сотиш режаси ва рентабеллик хисоби.

19-жадвал

Калава ип номи	Йиллик ялпи маҳсулот	Маҳсулот баҳоси		Маҳсулот таннархи		Фойда, минг сумм	Рентабеллик, %	Учун кетган харажатлар,
		1 кг учун сумда	Жами минг сум	1 кг учун сумда	Жами минг сум			
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Арқоқ ипи	2359.3	9100	21469630	8240	17334298	4135332	23	0.81

$$1. \text{ Фойда} = \text{Маҳсулот баҳоси} - \text{Маҳсулот таннархи} = 21469630 - 17334298 = 4135332 \text{ минг сўм}$$

2. Махсулот рентабеллик

$$Mr = \frac{\text{фойда}}{\text{таннарх}} \cdot 100 = \frac{4135332}{17334298} = 23\text{сум}$$

Бир сумлик махсулот учун кетган харажатлар

$$1. = \frac{MT_6}{MB_4} = \frac{17334298}{21469630} = 0.81\text{сум}$$

2. 4. Асосий ишлаб чиқариш фўндлари қиймати=машиналар баҳоси+ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий хоналар баҳоси+транспорт баҳоси=
=2907408+1859760=4767168 минг сўм

3. Корхона рентабеллиги

$$Kp = Pk \frac{\text{фойда} \cdot 100}{\text{АФК}} = \frac{4135332 \cdot 100}{4767168} = 26.7\text{сум}$$

Бу ерда:

АФК– Асосий фондлар қиймати

$$\text{Капитал маблағларни копланиш муддати} = \frac{\text{АФК}}{\text{фойда}} = \frac{4767168}{4135332} = 1.25\text{йил}$$

Давр харажатлари ҳисоби(бу харажатларни ҳисоблаш учун асосий ишчилар иш хақиға нисбатан– 4,5 – 5% микдорда қабул қилинади(5% қабул қиламиз))

$$Dx = \frac{\text{асосий ишчилари иш хақи} \cdot \%}{100} = \frac{1432037 \cdot 5}{100} = 71601.8\text{мингсум}$$

Давр харажатларини элементлар буйича жамланма жадвали

20-жадвал

№	Харажатлар номи	Фоизи	Микдори минг сумда
1	Бошқарув раҳбарлари иш хақи	25	16696,3
2	Девонхона ва у билан боғлиқ харажатлар	13	8682,1
3	Хизмат сафари харажатлари	16	10685,7
4	Маъмурий бинони таъмирлаш ва унга қараш харажатлари	17	11353,5
5	Умум қорхона лаборатория харажатлари	12	8014,2
6	Ихтиро ва лойиҳалаш харажатлари	10	6678,5
7	Бошқа умумхужалиқ харажатлари	7	4675,1
8	Жами давр харажатлари	100	66785,4
9	Давр харажатларига қушилган харажатлари а) мулк солиғи(асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматига нисбатан– 4,0 %) б) сувга тулов(1 кг ип учун– 6,0 сум) в) ер солиғи(1 гектар учун– 5440 минг сум) г) Ўзбекистон Республикаси йул фондига ажратма(махсулот баҳосидан 1,5 % қабул қилинади)		265077,1 8278,8 13600 188342,7
	Давр харажатлари ҳаммаси		542084

Корхонани молиявий фаолияти тахлили

21-жадвал

№	Курсаткичлар номи	Микдори, минг сум
1	Сотилган махсулот хажми	21469630
2	Махсулот ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар	17334298
3	Сотилган махсулотдан тушган фойда	41353
4	Давр харажатлари (ҳаммаси)	542084
5	Корхона фаолиятидан тушган фойда	3993248
6	Фойдадан туланадиган солик – 7.5 %	299494
7	Солиқ тулангандан сунг қолган фойда	3693754
8	Итимоий инфра тузилмани ривожлантириш учун ажратма – 8 %	295500
9	Корхонани соф фойдаси	3102754
10	Корхона захира фондига ажратма – 5 %	155137

Корхонани молиявий ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, корхона фаолиятидаги фойдани топиш учун ялпи фойдадан давр харажатларини айирамиз.

$$\Phi_k = \Phi_z - Дз = 4535332 - 542084 = 3993248$$

Қолган фойдадан давлат бюджетига солиқ ва бошқа туловларни айириш ва корхона соф фойдасини топамиз у 3102754 минг сумни ташкил қилар экан

Йигирув фабрикасининг техник иқтисодий кўрсаткичлари

22-жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсаткичлар
1	Ўрнатилган машиналар сони	Дона	30
2	Режали тухташлар фоизи	%	3.5
3	Ишлаётган урчуклар соатлар	минг урч/ соат	84260
4	Машинани иш унумдорлиги(минг камера учун)	кг/соат, кН/соат	18 1400
5	Йиллик ялпи махсулоти	Тонна	2359.3
6	Толадан ип чикиши	%	87
7	Мехнат унумдорлиги	кг, ишчи/соат кН, ишчи/соат	8.4 315.2
8	Руйхатдаги ишчилар сони	киши	143
9	Ўртача ойлик иш хаки	сум	773194
10	Фабрика буйича махсулот таннархи	минг сумм	17334298
11	Шу жумладан 1 кг ип учун	Сумм	7347
12	Сотилган махсулот бахоси(жами)	минг сумм	21469630
13	Сотилган махсулотдан тушган фойда	минг сумм	4135332
14	Махсулот рентабеллиги	%	23
15	Корхона рентабеллиги	%	26.7
16	Асосий ишлаб чиқариш фондлари киймати	минг сум	4767168
17	Қопланиш муддати	Йил	1.25
18	Давр харажатлари	минг сумм	542084
19	Фойдадан туланган солик	минг сумм	299494
20	Корхонани соф фойдаси	минг сумм	3102754

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси енгил саноатининг ривожланиш дастурлари асосида йигирув корхоналарининг тараққиёти ўрганилди.
2. Технологик ускуналар занжири ҳар томонлама асосланиб «*Truetzchler*» фирмаси ускуналари қабул қилинди.
4. Илғор ишлаб чиқариш корхонаси ва илмий тешириш институтлари ҳамда мавжуд ип йигириш режалари асос қилиб олиниб 16.5 текс трикатаж ипи ишлаб чиқариш учун йигиришнинг қисқача режаси ишлаб чиқилди.
5. Ип ва чиқиндилар чиқиш меъёрлари ишлаб чиқилди.
6. Технологик машиналар сони ҳисобланиб, улар лойиҳаланаётган корхонага жойлаштирилди.
7. Лойиҳаланаётган корхонада меҳнат муҳофазаси масалаларини ҳам куришда ҳудудий масалалар ўрганилди.
9. Лойиҳаланаётган корхонанинг техник иқтисодий кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Қонунлар. Президент фармонлари. Вазирлар маҳкамаси қарорлари.

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантиришнинг 2017-2021 – йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-2687 сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Сирдарё вилоятида замонавий пахта-текстил кластерини тузиш бўйича тадбир-чоралар тўғрисидаги” ПҚ-3279 қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 январдаги 53-сонли “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

II. Китоблар ва рисоалар

1. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент. “Ўзбекистон” 2017 йил. 488-бет.
2. Ш. М. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қаттият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. “Ўзбекистон” 2017 йил. 592-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2017 йил 22 декабрь
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь

5. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Тошкент, 2003 й.
6. П.Т. Букаев “Справочник по хлопка ткачество”. М.1987 й.
7. Ю.В. Додонкин, С.М. Кирюхин “Ассортимент свойства и оценка качества ткание”. М.1979 й.
8. Қ. Жуманиязов, Й. Полвонов“Пахта йигириш технологик жараёнларини лойихалаш”. Т., 2008 й.
9. ИваЙТ кафедрасининг типли сараланмалар ва селекцион навларнитанлаш бўйича услубий қўлланмалари, меъёрий хужжатлари. 2014й
10. В.П. Широков ва бошқалар“Справочник по хлопкопрядению”. Москва1985 й.
- 11.Қ. Жуманиязов ва бошқалар “Тўқимачилик маҳсулот технологияси важиҳозлари” Гафур Гулом 2012 й.
- 12.Т.А. Ғаниев “Тўқимачилик саноатида меҳнат муҳофазаси”. Ўзбекистон,1995 й.
- 13.Э. Абдуллаев “Менежмент”. Тошкент2001 й.
- 14.А. Абдуллаев “Бизнес режа”. Тошкент, Молия2002 й.

III. интернет дан олинган материаллар

15. www.truetzschler.com,
16. www.riter.com,
17. www.marzoli.com.